
Президентимизга раҳмат!

Президентимизнинг 2021 йил 21 декабрдаги “Ахолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда байрамни муносиб қувонч билан кутиб олишларига сабаб бўлганига кўпчилик гувоҳ бўлди.

Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокими Дилшоджон Джалилов, ўринbosарлари, маслаҳатчилари, ташкилот раҳбарлари тумандаги 605 та “Темир дафтар” рўйхатида бўлган оиласаларга, шунингдек, 908 та 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор бокувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи ҳамда 18 ёшгача болалар учун ногиронлик нафақаси оладиган оиласаларга Президентимизнинг янги йил табриги, 800 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам пуллари ҳамда совғалар тарқатдилар.

Хонадон эгалари янги йил арафасидаги хайрли иш учун Президентимизга раҳмат, деб дуо қилишмоқда.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2021-12-29 10:03:42